

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.28/30.12.2019.PED.68.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ЛУТФИЛЛО МУРОДИЛЛАЕВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА  
ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (DOCTOR OF  
PHILOSOPHY) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера доктора философи (PhD) по педагогическим  
наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
pedagogical Sciences**

**Умаров Лутфилло Муродиллоевич**

Электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш (халқ таълими педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими мисолида).....3

**Умаров Лутфилло Муродиллоевич**

Совершенствование управления развитием профессиональной компетентности педагогов на основе электронно-информационных образовательных ресурсов (на примере системы переподготовки и повышения квалификации педагогов народного образования) .....21

**Umarov Lutfullo Murodilloevich**

The improvement of management of professional competence of teachers on the basis of electronic information educational resources (on the example of the system of re-training and higher qualification of pedagogues of National education).....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....45

**ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИ РАҲБАР ВА МУТАХАССИС  
ХОДИМЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSC.28/30.12.2019.PED.68.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**УМАРОВ ЛУТФИЛЛО МУРОДИЛЛАЕВИЧ**

**ЭЛЕКТРОН АХБОРОТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАРИ АСОСИДА  
ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ  
БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ПЕДАГОГЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИ МИСОЛИДА)**

**13.00.07 – Таълимда менежмент**

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳламаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B.2019.4.PhD/Ped694 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига ([www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Курбонов Шавкат Эргашевич**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Исмаилова Зухра Карабаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Бахрамов Анвар Ахрарович**  
Физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент ахборот технологиялари университети**

Диссертация химояси Халқ таълими тизими раҳбар ва мутассис ходимларини қайта тайёрраш ва малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28/30.12.2019.Ped.68.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_\_\_» соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Зиё кўчаси, 6-йй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69; web-site: [www.avloniy.uz](http://www.avloniy.uz); e-mail: [avloniy@xtv.uz](mailto:avloniy@xtv.uz))

Диссертация билан Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (Манзил: Зиё кўчаси, 6-йй. Тел.: (99871) 227-12-52; факс: (99871) 246-06-69.)

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр байённомаси).

**Н.Х. Рахманқулова,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

**Ф.Э. Каримов,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, с.ф.ф.д.(PhD), доцент

**Э.Р.Юзликаева,**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда содир бўлаётган технологик инқилобларнинг кучайиши даврида таълим сифатини ошириш ва уни ахборот хизмати контекстида такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ривожланган давлатлар таълим муассасаларида таълим сифатини оширишда автоматлашган электрон масофавий таълим мухитининг яратилганлиги асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунё миқёсида таълим соҳасидаги мутахассис кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг инновацион моделларини ишлаб чиқиш, амалиётга жорий этиш, педагог кадрларнинг касбий компетенцияларини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Европа кенгаши таълим департаменти (CEED), Олий таълим сифатини таъминлаш Европа тармоғи (EAQA) каби ташкилотларида педагог кадрларнинг касбий компетенциясини шакллантириш инфратузилмасини такомиллаштириш, малака оширишнинг масофавий шакллари орқали компетентлилик даражасини аниқлаш ва баҳолашнинг электрон платформаларини яратиш, малака ошириш тизимида педагоглар компетентлигини ривожлантиришнинг амалий кўникмаларга йўналтирилган дастурлари мазмуни, шакл, метод ва воситаларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда педагогларнинг касбий маҳорати ва салоҳиятини ривожлантириш таълим сифатини ошириш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган «мехнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Мазкур вазифалар ижроси умумий ўрта таълимда сифатни таъминлашда узлуксиз малака ошириш жараёнини амалга ошириш, педагог кадрлар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг интеграциялашган ахборт-методик таъминотини инновацион ёндашувлар асосида такомиллаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сонли «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ва мазкур фаолиятга тегишли ҳамда бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширилиши ва татбиқ этилишида ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни

маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўтказилган илмий изланиш ва тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, таълим жараёнини ташкил этишнинг ташкилий ва педагогик жиҳатларини Р.Ш. Ахлиддинов, У.И. Иноятов<sup>1</sup>, Э. Сейтхалилов, Ш.Э. Курбонов<sup>2</sup> ва М.А. Юлдошевларнинг фундаментал тадқиқотларида атрофлича ўрганилган. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш масалалари Ватанимиз олимларидан Р.Х. Джураев<sup>3</sup>, Ш.М. Зу-фаров, Н.И. Тайлақов<sup>4</sup>, Ж.К. Фозилов; масофавий таълим технологиялари ва электрон таълим технологиялари А. Абдуқодиров<sup>5</sup>, У.Ш. Бегимқулов<sup>6</sup>, А. Ҳай-тov, П. Шоймардонов, А. Ибрагимов, А. Аскаров<sup>7</sup>, С.В. Зенкина<sup>8</sup>, И.Г. За-харова<sup>9</sup>, Е.С. Полат<sup>10</sup>, И.В. Роберт<sup>11</sup>, А.В. Хоторской ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган.

Таълимда электрон ахборот ресурслари асосида ўқитишни жорий этиш бўйича МДҲ мамлакатлари олимларидан Ю.В. Василов, В.Г. Клинов<sup>12</sup>, Т.М. Давыденко, О.В. Урсова<sup>13</sup>, В.С. Лазарев, А.М. Моисеев, М.М. Поташник, В.П. Симонов, П.И. Третьяков, Т.И. Шамовалар илмий тадқиқот олиб органлар.

Хорижий давлатларда Л. Ҳарвей (L.Harvey)<sup>14</sup>, Саймон Шоу (Simon Shaw)<sup>15</sup>, Р.М. Бернард (R.M. Bernard), Р. Шмид (R.Schmid), Р.М. Тамим (R.M.Tamim), Ф.К. Абрами (F.K.Abrami) каби олимлар таълимда электрон ахборот ресурсларининг аҳамияти ва ўзига хос хусусиятларини маҳсус ўрганганлар.

<sup>1</sup> Иноятов У. Таълим сифатини назорат қилиш ва бошқариш // Касб-хунар таълими. 2004. – №1. – Б. 3-4.

<sup>2</sup> Курбонов Ш.Э., Сейтхалилов Э. Таълим сифатини бошқариш. – Т.: «Турон-Иқбол», 2006. 592 б.

<sup>3</sup> Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования. Автореф. дисс. докт. пед. наук. – СПб., 1995. 43 с.

<sup>4</sup> Тайлақов Н.И. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётлари янги авлодини яратишнинг илмий педагогик асослари (информатика курси мисолида). Пед. фан. док. дисс. – Тошкент, 2006. 248 б.

<sup>5</sup> Абдуқодиров А.А., Пардаев А. Педагогик технологияларга оид атамаларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: «Фан ва технологиялар», 2012. 44 б.

<sup>6</sup> Бегимқулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Автореф. пед. фан. докт. дисс. – Тошкент, 2007. 37 б.

<sup>7</sup> Аскаров А. Ҳалқ таълимни ходимлари малакасини масофадан ошириш тизимини такомиллаштириш. Пед. фан. бўйича фалсафа доктори диссертация автореферати. – Тошкент, 2017.

<sup>8</sup> Зенкина С.В. Педагогические основы ориентации информационно-коммуникационной среды на новые образовательные результаты [текст]. Дис. докт. пед. наук. – Москва, 2007.

<sup>9</sup> Захарова И.Г. Информационные технологии в образовании // И.Г. Захарова. – Тюмень: «ТГУ», 2012. 332 с.

<sup>10</sup> Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений // Е.С. Полат [и др.]. 3-е изд. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. 272 с.

<sup>11</sup> Роберт И.В. Теория и методика информатизации образования (педагогический и технологический аспекты). ИИО РАО – М., 2010. 327 с.

<sup>12</sup> Клинов В.Г. Методика использования информационных и коммуникационных технологий обучения в учебных заведениях профессионального образования. Дисс. канд. пед. наук. – Пермь, 2003. 156 с.

<sup>13</sup> Урсова О.В. Развивающий потенциал информационно-коммуникационных технологий в системе повышения квалификации учителей – предметников [текст]. автореф. дис. канд. пед. наук // О.В. Урсова. – Великий Новгород, 2006.

<sup>14</sup> Harvey L. External quality monitoring in the market place // Tertiary Education and Management. Vol.3, № 1 / 1997. – Pp. 25-35.

<sup>15</sup> Simon Shaw. Development of Core Skills training in the Partner Countries. Final Report for the ETF Advisory Forum Sub-Group D, European Training Foundation, June. 1998.

**Диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий–тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертацион тадқиқот иши Қарши давлат университетининг илмий-техника режалари асосида А-1-173 «Ёшларни умуммиллий қадриятларимизга хос тарбиясини шакллантириш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** – электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш самарали механизмларини ишлаб чиқиши.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуидагилар:

- электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришни бошқаришнинг педагогик хусусиятларини тизимли таҳлил қилиш;
- педагогларнинг касбий компетентлигини бошқарувчанлик тамоилии асосида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланишни аниқлаштириш;
- педагогларнинг тармоқ ҳамкорлиги шароитида касбий компетентлигини ривожлантиришни бошқариш жараёнини тизимлаштириш;
- педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришни бошқариш моделини ишлаб чиқиш ҳамда мазкур модел асосида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш.

**Тадқиқот обьекти** – педагог кадрлар малакасини ошириш касбий компетентлигини шакллантириш жараёни.

**Тадқиқот предмети** – педагогларнинг электрон ахборот таълим ресурслари асосида касбий компетентлигини ривожлатириш бошқаруви.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида турли соҳа олимларининг мавзуга оид илмий-методик тадқиқот ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, педагогик кузатув, семинар-тренинг, электрон сўров ва тест синовлари, моделлаштириш, қиёслаш, тажриба-синов натижаларини умумлаштириш ҳамда математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилар:

- узлуксиз малака ошириш тизимида масофавий таълим ресурслари асосида педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бошқаруви (таълимий, фаолиятли ва шахсий) компетентли ёндашув асосида такомиллаштирилган;
- малака ошириш курслари мазмуни ва ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, мослашувчанлик (компьютерни мувофиқлаштириш асосида ўқув материалларини тақдим этиш методлари) тамоилии асосида электрон ахборот таълим ресурсларининг классификаторлари ишлаб чиқилган;
- ўқитувчилар касбий компетентлигини шакллантиришнинг бошқарув тизими компонентлари (мотивацион-қадриятли, касбий-фаолиятли, рефлексив-

коммуникатив) онлайн тармоқ ҳамкорлиги асосида мазмунан такомиллаштирилган;

– педагоглар касбий компетентлигини бошқариш модели ҳамда мазкур модел асосида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш компетентлиги имкониятлари (масофавий ўқитиш, электрон контент ва автоматик баҳолаш) кенгайтирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:**

– малака ошириш тизимида электрон ахборот таълим ресурсларини яратиш ва уларни тармоқда жойлаштириш, фойдаланишни самарали ташкил этишнинг педагогик йўллари ишлаб чиқилган;

– педагогик тармоқ ҳамкорлиги шароитида ўқитувчилар касбий компетентлигини бошқариш жараёнини такомиллаштириш бўйича методик тавсиялар ишлаб чиқилган ва амалга татбиқ этилган;

– умумий ўрта таълим ўқитувчиларининг касбий компетентлигини ривожлантириш мақсадида «Педагогнинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш» мавзусидаги услубий таъминот ишлаб чиқилган;

– педагогларнинг ўзаро мулоқот қилиш ва тажриба алмашишига имкон берувчи [www.pedagogportal.uz](http://www.pedagogportal.uz) маҳсус сайти ишлаб чиқилган ва амалиётда фойдаланилмоқда.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** педагогнинг янги таълимий натижаларга эришишини, шахсий сифатларини ривожлантирилиши, ўзлаштирилган билим ва қўникмаларини амалий фаолиятда татбиқ этилиши билан таъминланган. Замонавий таълим жараёнини педагогларнинг билим бериш, ахборот коммуникацион технологиялари билан боғлиқ бошқарув, рефлексив ва бошқа фаолият турларини ўзлаштиришга йўналтирилиши ҳамда натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти педагогларнинг ахборот коммуникацион технологияларидан компетентлиги малака ошириш тизимида электрон ахборот таълим ресурслари асосида касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштирилганлиги; педагогларнинг ахборот коммуникацион технологиялари компетентлигини ривожлантиришни элементар, функционал ва тизимли даражаларининг аниқланганлиги ҳамда малака ошириш тизими шароитида уларни шакллантиришнинг мос баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, педагогик фаолиятда мавжуд электрон ахборот таълим ресурслари ва унинг мослашувчанлигидан фойдаланиш қўникмаси; тармоқ ҳамкорлиги ва интернет тармоғидан фойдаланиш имкониятлари даражасини аниқлашнинг баҳоловчи

харитасининг ишлаб чиқилганлиги; электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш компетентлиги ишлаб чиқилганлиги; маҳсус сайт орқали педагогларга методик ёрдамни амалга оширилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Педагогларнинг ахборот коммуникацион технологиялари компетентлиги малака ошириш тизимида электрон ахборот таълим ресурслари асосида касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган услубий, амалий таклифлар асосида қуидагилар амалга оширилди:

– малака ошириш тизимида педагогик тармоқ ҳамкорлиги шароитида педагоглар касбий компетентлигини бошқариш жараёнини тизимлаштиришга оид таклифлардан педагоглар касбий компетентлигини бошқариш асосида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш компетентлиги мазмунини такомиллаштиришда фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-723-сон маълумотномаси). Мазкур методик тавсиялар малака ошириш курсларида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш педагогик жараёнини такомиллаштиришга хизмат қилган;

– педагогларнинг узлуксиз малакасини ошириб боришга мўлжалланган электрон таълим ресурсларини классификациялашга оид дастурий таъминот элементларидан «педагоглар фаолиятига касбий-танқидий ёндашув» ва «[www.pedagogportal.uz](http://www.pedagogportal.uz)» электрон-касбий ривожлантириш платформасини яратища фойдаланилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-723-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришда электрон ахборот таълим ресурслари асосида ўқитишининг самарали усуллари, воситалари ва технологик босқичларини автоматлаштиришга хизмат қилган;

– электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини (мотивацион-қадриятли, касбий-фаолиятли, рефлексив-коммуникатив) такомиллаштиришга оид таклифлардан «Педагонинг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнида электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш» мавзусидаги услубий таъминот мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-723-сон маълумотномаси). Натижада малака ошириш тизимида педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш ўқув-ахборот таъминотини такомиллаштиришга хизмат қилган;

– электрон ахборот таълим ресурслари асосида педагогларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш бошқариш, педагогик жиҳатдан мазмунан такомиллаштиришга доир таклифлардан 2019-2020 йилларга мўлжалланган АИФ-2/15-рақамили «Ўзбекистонда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш модели ва технологиясини ишлаб чиқиши» мавзусидаги инновацион лойихани амалга

оширишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 февралдаги 89-03-723-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар педагогларни электрон ахборот таълим ресурслари асосида касбий компетентлигини ривожлантириш имкониятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини.** Диссертация мавзуси юзасидан жами 17та илмий-услубий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда б та мақола, жумладан, 2таси хорижий журналларда, 4таси республика журналларида чоп эттирилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адбиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 саҳифани ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмida ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, обьекти, предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Педагогларда касбий компетентликни ривожлантириш бошқарувининг назарий асослари**» деб номланган бўлиб, унда педагоглар ахборот коммуникацион касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини таркиблаштирилиш таҳлили келтирилган.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, замонавий педагог олдида муҳим вазифа қўйилмоқдаки, янги таълимий натижаларга эришишни таъминлаш, педагогларнинг шахсий сифатларини ривожлантириш ва уларни билим ва кўникмаларни амалий фаолиятда татбиқ этишга тайёрлаш билан биргаликда, педагогларнинг билим олиш, ахборот коммуникацион технологиялари билан боғлиқ бошқарув, рефлексив ва бошқа фаолият турларини ўзлаштиришга йўналтириш ҳам лозим. Демак, ўз навбатида педагогнинг вазифаси ҳам ўзгармаслиги мумкин эмас.

Умумий ҳолда педагогнинг иккита асосий: анъанавий ва замонавий вазифаси ажратиб кўрсатилади.

Ўз-ўзидан савол туғилиши табиий: педагог замонавий педагогик вазифаларни бажариши учун қандай компетенцияларга эга бўлиши лозим? Бундан келиб чиқадики, касбий компетентликни ривожлантириш бошқаруви тушунчаси ва унинг таркибига аниқлаштириш киритиш зарур.

Касбий компетентликни ривожлантириш бошқарувини такомиллаштиришнинг асосий мезони – педагогда ўқувчини шахсий ривожланишига имкон берадиган педагогик ҳолатни мустақил намоён эта олиш кўникмасининг мавжудлиги. Шу сабабдан педагогни касбий маҳоратининг асоси деб айнан психологик-педагогик компетентликни ҳисоблаш лозим. Психологик-педагогик компетентликни педагогнинг юқори даражадаги касбий маҳорати билан ички хусусиятларининг ёки сифатларининг синтези сифатида қараш мумкин. Касбий маҳорат ва шахсий сифатлар қадриятлар тизими билан чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, уларни айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Қадриятлар табиати шундан иборатки, у таълим-тарбия маҳсулоти бўлгани билан, у тўғридан-тўғри ундан келиб чиқмайди, балки индивиднинг мустақил ривожланиши, шахсий улгайиши, фаолият ва шахсий тажрибасининг умумлашмасининг натижасида пайдо бўлади.

Касбий компетентлик таълим жараёнида психологик механизмларни билишни, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришни, турли хил дидактик методлар ҳамда усулларни таълим жараёнига татбиқ эта олишни ўзида жамлайди. Хусусан, кўпчилик педагогларнинг компетенциялари аниқ бир фанга, яъни у таълим берадиган фанга қаратилган бўлади. Айнан уларни шакллантиришга ва мукаммаллаштиришга улар ўзларининг кўп вактларини сарфлайдилар. Педагогнинг касбий компетентлиги – методик тафаккурнинг функционал таркиби билан аниқланадиган педагогнинг методик тайёргарлиги натижаси. Назарий ташкил этувчиси сифатида ривожланган касбий маҳорат асосида методик тафаккур қилиш ётади. Амалий ташкил этувчи деганимизда, шаклланган методик компетенцияларни, яъни гносеологик, лойихалаштирувчи, таълим берувчи, ташхисловчи, бошқарувчи, рефлексивлик ва тадқиқотчиликни тушунамиз. Компетентлик мазкур компетенцияларнинг умумий йиғиндиси эмас, балки уларнинг синергетик самарадорлиги ва шахснинг интеграл хусусиятларида намоён бўлишидир.

Ахборотлашган жамият билан боғлиқ компетенциялар, ахборот компетенциялари номини олди. Мазкур компетенцияга эга бўлиш инсонни турли манбалардан келувчи, турли мазмун-маънога эга ва турли шаклда тақдим этиладиган ахборотлар билан ишлаш кўникмасини таъминлайди.

Ахборот коммуникацион технологиялар компетентлигини ривожлантириш дейилганда, индивиднинг турли ўқув, касбий, шахсий вазифаларни ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланган ҳолда еча олиш қобилияти тушунилади. Тор маънода эса ахборот коммуникацион технологиялар компетентлиги дейилганда, педагогнинг ўз педагогик фаолиятида ўқув ва амалий масалаларни ечиш учун ахборот коммуникацион технологияларидан мустақил равишда фойдалана олишида намоён бўладиган шахсий сифатлари тушунилади.

Педагогнинг иккита ахборот коммуникацион технологиялар компетентлиги ажратиб кўрсатилган: базавий ва предметга йўналтирилган.

Базавий ахборот коммуникацион технологиялар компетентлиги дейилганда, ахборот коммуникацион технологиялар воситаси ёрдамида умумий ҳолда мўлжалланган таълимий масалаларни ечиш учун зарурий билим ва кўникмаларга эгалик тушунилади. Предметга йўналтирилган ахборот коммуникацион технологиялар компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш дейилганда, кўйилган талабларга кўра ўкув предмети мазмунига мос равишда ишлаб чиқилган маҳсус технологиялар ва ресурсларни ўзлаштириш ҳамда уларни таълим фаолиятига татбиқ эта олиш тушунилади.

Бу компетентликнинг таркиби қуйидаги компонентлардан ташкил топади: мотивацион-қадриятли, касбий-фаолиятли, рефлексив-коммуникатив.

Педагогнинг ахборот коммуникацион технологиялари компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштиришнинг иккита йўналишини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: тармоқдаги ўзаро алоқалардан ва электрон ахборот таълим ресурслариға мослашувчанликдан фойдаланиш.

Педагогларнинг касбий малака ошириш тизими умумий ўрта таълимга ижобий таъсир кўрсатиши учун педагогларни малака ошириш тизими узлуксиз ва ўз-ўзини ривожлантириш ҳамда ўз касбий маҳоратини ошириш гоясига таяниши лозим. Узлуксиз таълимда электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш учун жуда муҳимдир.

Хозирги вақтда педагогларнинг узлуксиз таълимини таъминлаш муаммоси ечимини топиш, уларнинг мустақил ишлашлари ва уларга методик ёрдам кўрсатиш учун ахборот коммуникацион технологияларига мурожаат қилган ҳолда турли ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда. Давлат таълим стандартлари талабарини бажаришда ва педагог кадрларнинг малакасини оширишда, уларнинг касбий компетентлиги бошқарувини ривожлантиришда етакчи ролни таълимнинг долзарб муаммоларига тааллуқли семинарлар, ўкув-методик мажмууларни янгиланиши, дидактик материаллар, қўлланмалар, тавсиялар тайёрлаш ва ўзлаштириш, машғулотлар ўтказишининг фаол методлари ташкил этиши лозим.

Педагогнинг касбий компетентлиги ривожлантириш бошқаруви таркибини таҳлил қилиб, уни шакллантиришнинг имкониятларини, хусусан, диссертацион тадқиқот ишида бошланғич синфлар педагоглари учун аниқлаштиришлар киритилган. Мазкур тизим касбий малака оширишининг давомийлигига кўра турли курсларни – 144 соатгача қамраб олган. Дастурни амалга оширадиган таълим муассасаси – Қашқадарё вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази (ХТҲҚТМОҲМ). Масалан, мазкур марказ томонидан қатор йиллар давомида «Бошланғич таълим фанлари назарияси ва методикаси» ва «Бошланғич таълим фанларида предмет

компетенцияларини ривожлантириш» курслари ташкил этиб келинади. Уларда бошланғич таълим педагогларининг фаолиятига катта аҳамият берилади. Кўпчилик машғулотлар – амалиётлар, яъни бошланғич таълим фанлари ҳамда улардаги алоҳида мавзулар бўйича мазмунан қайта ишланган методик таълим берувчи тизимлар шаклида ўтказилади.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатадики, инновацион ривожланишдаги тўсиқларнинг энг асосий сабабларидан бири, технологик ва методик нуқтаи назардан янги бўлган таълимий маҳсулотлар ва улар ҳақидаги маълумотларнинг пастки поғонадаги таълим муасссаларигача этиб бормаётганлигидадир. Шунинг учун энг муҳим вазифалардан бири, бу маълумотларни тақдим этишнинг шундай тизимини ташкил этиш лозимки, бу тизим нафақат янги маҳсулотларни тақдим этсин, балки уларни ўзаро таққослаб кўрсата бера олсин. Албатта, янги таълимий маҳсулотлар ҳақидаги ахборотларни тарқатиш учун энг қулай ҳолат ва восита малака ошириш курсларидан фойдаланишдир. Бундай маълумотлар билан педагогларни бойитиш жуда долзарбдир, чунки мактабларга тавсия этилаётган электрон ахборот таълим ресурсларининг аксарияти педагог ва ўқувчилар талабларига нисбатан уларнинг муаллифлари томонидан ҳаракатга келтирилади ҳамда малака ошириш тизимидағи курсларни тингловчиларига тезлик билан етказиб берилади.

Ўз навбатида, электрон ахборот таълим ресурсларини ўзлаштириш жараёнида шундай вазиятлар бўладики, тингловчилар билан машғулотларни электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланаётган тажрибали педагоглар ишлаётган аниқ бир мактабларда ёки бошқа таълим муассасаларида ташкил этиш зарурати юзага келади.

Хозирги вақтда педагогларнинг ахборот коммуникацион технологиялари (АКТ) компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш технологиясини сифат жиҳатидан янгилаш зарурати ва имконияти пайдо бўлди. Электрон ахборот таълим ресурслари (ЭАТР) воситасида АКТ компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштиришнинг иккита асосий йўналишини ажратиб кўрсатилган. Булардан биринчиси – ЭАТРларнинг мослашувчанлик принципидан фойдаланиш. Бу педагоглар томонидан интернет тармоғига жойлаштирилган ишланмаларини тез-тез ўзгартириб мукаммаллаштиришга ҳаракат қилиш, қайта ишлаш, эскирган материалларни янгилаш турли билан боғлиқдир. Иккинчи йўналиш – касбий нуқтаи назардан тармоқ ҳамкорлиги. У бевосита интернет тармоғида ишлаш ва унда ҳар бир педагог учун индивидуал шахсий таълим бериш тармоғини ажратиш ҳамда касбий тажрибасини оммалаштиришнинг кенг имкониятлари билан боғлиқдир. Касбий тармоқ ҳамкорлиги ЭАТРларга мослашув қўнимасисиз бўлиши мумкин эмас, уларни алоҳида қарамасдан, балки биргаликда ўзаро боғлиқликда қараш керак бўлади.

Педагогларнинг ахборот коммуникацион компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштиришда электрон ахборот таълим ресурсларининг ўрни, аҳамияти, классификацияси устида ҳам мазкур бобда атрофлича тўхталиб ўтилган.

Педагогларни электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланишга ўргатиш, улар замон билан ҳамнафас боришлигини таъминлашни қандай амалга ошириш мумкин? Албатта, бунинг учун уларни ана шу билимлар билан таъминлаб боришимиз лозим бўлади. Буни амалга оширишнинг йўлларидан бири, малака ошириш тизимида педагогларни ахборот коммуникацион технологияларининг сўнгги янгиликлари билан танишишишимиз, электрон ахборот таълим ресурслар билан ишлашни такомиллаштириб боришимиздир.

Диссертацион тадқиқот ишининг иккинчи боби **«Педагог касбий компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштиришда электрон ахборот таълим ресурсларидан фойдаланиш»** деб номланиб, унда педагог касбий фаолиятига нисбатан ЭАТРларига мослашиши, компьютер имкониятларидан ёки таълим методикасида қабул қилинган аниқ бир машғулот мақсад ва вазифалари имкониятларидан келиб чиқиб, ўқув материалини шакллантирилиши қараб чиқилган. Ана шунга кўра, ЭАТРларни бундай имкониятни таъминловчи ва бундай имкониятни таъминлай олмайдиганларга ажратишимиз мумкин. Имкониятни таъминловчилар сирасига фақатгина таълим жараёнида фойдаланиш учун ишлаб чиқилган ЭАТРлари киради. Мазкур ЭАТРлардан фойдаланиш бўйича методик тавсияномалар мавжуд бўлса-да, кўп ҳолларда улар аниқ равshan бўлмайди. Мазмунни танлаш, педагогнинг аниқ бир машғулотда ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларидан келиб чиқади. Педагог томонидан методик ечимни топиш, жуда кўп ҳолларда унинг педагоглик тажрибасига ва педагогик интуициясига асосланади. Барча ЭАТРларда ўзга методика, ўзганинг таълим бериш усули мавжуд бўлади. Кўпчилик ҳолларда бу педагог томонидан MS Power Point да яратилган тақдимотларга тегишлидир. Аммо педагог ҳар бир машғулотга мустақил равишда ЭАТРни яратади олиш имкониятига эга бўлмаганидек, мазмунни барча педагогларни тўлиқ қаноатлантирувчи ЭАТРларни яратиш ҳам мумкин эмас. Бундай ҳолатдан чиқишининг йўли мавжуд, у ҳам бўлса, мазмунини педагог ўз методикасига қараб ўзгартира оладиган ЭАТРларни яратишдир. Бу эса ЭАТРларга мослашувчанликни ўзида намоён этади.

Фанлар бўйича таҳлиллар педагогларнинг ЭАТРларга мослашувчанлиги ва маълумотларни ўзлаштириш ҳамда улардан амалиётда фойдаланишлари сустлигини кўрсатади. Улар ишлаб чиқилган ЭАТРларнинг яширин имкониятларини қийинчилик билан тасаввур этадилар. ЭАТРлар компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш учун имкониятлари кенг бўлишига қарамасдан, кўпчилик педагоглар бу имкониятлардан тўлиқ фойдалана олишаётгани йўқ. Бу эса, ўз навбатида, педагоглар ишлаб чиқилган ЭАТРларидағи ўзгаришлар мазмунини

шакллантирилиши бўйича тажрибага эга бўлишлари учун маҳсус курслар ва тадбирларни ўтказиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Шахсий компьютерларнинг пайдо бўлиши натижасида фойдаланувчиларга кенг имкониятлар эшиги очилди ва яшин тезлигида тармоқдан фойдаланиш ўзгача тус олди. Компьютерлар локал тармоқларни бирлаштириди, локал тармоқлар эса бир-бири билан бирлашиб, худудий тармоқни, улар, ўз навбатида, бирлашиб глобал тармоқни ҳосил қиласди, хусусан, интернет тармоғи. Компьютерларни татбиқ этилиш соҳаси инсон фаолиятининг барча доирасини қамраб олди, таълим ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги вақтда миллиардлаб фойдаланувчилар бир-бирлари билан интернет орқали мулоқат қиласди, муаммоларни бартараф этадилар, ишлайдилар, бошқариладилар ва кўпчилик ишларини у орқали бажарадилар, амалга оширадилар.

Ҳозирги вақтда таълим-тарбия муҳитида «тармоқ ҳамкорлиги» атамасидан кенг фойдаланилмоқда. Умумий ҳолда бу атама ишлатилганида, тармоқ ёрдамида алоқа қилиш, фикр алмашинишни тушуниш мумкин (хусусан, компьютер тармоғидан). Бундан ташқари, тармоқ ҳамкорлиги дейилганда, шундай муҳит тушуниладики, бунда ҳар қандай таълим муассасаси ёки ҳар қандай педагог бошқа бир таълим муассасаси ёки педагог билан ўз хизмат вазифаси нуқтаи назаридан ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин. Бу гоялар алмашинуви, ишланмаларни, янги интеллектуал маҳсулотни яратиш ва бошқалар бўлиши мумкин. Мазкур ўзига хослик тармоқдаги ҳамкорлик иштирокчилари ўртасидаги тўғридан-тўғри ва тескари алоқани тиклаган ҳолда, коммуникатив тизимни намоён этади. Тармоқ ҳамкорлиги – таълим жараёнини сифатини оширишга йўналтирилган, интернет тармоғида биргаликдаги фаолиятини амалга оширишга имкон берадиган педагогларни ўзаро шартланган ҳаракатлар тизими. Тадқиқот ишимизга татбиқ этган ҳолда, шахсий таълим тармоғи концепциясини ҳисобга олиб, қуйидаги таърифни таклиф этамиз: тармоқ ҳамкорлиги – касбий маълумотларни алмашинишига ва тажрибани оммалаштиришга йўналтирилган, педагогларни биргаликдаги фаолиятини интернет тармоғида амалга оширишга имкон берувчи, ўзаро ҳаракатларининг шартланган тизими.

Ҳозирги замондаги мавжуд интернет технологиялар педагог иш фаолиятида фойдаланиши мумкин бўлган зарурий маълумотни тезкор топиш ҳамда энг муҳими, бошқа педагоглар билан фаол тажриба алмашиниш имкониятини беради. Ҳақиқатдан ҳам, касбий ривожланиш, АКТ – компетентлигини ривожлантириш бошқарувини такомиллаштириш учун тармоқ ўзаро ҳамкорлигида имкониятлар чексиз каттадир. Тармоқдаги жамоавий ҳамкорлик нафақат маълумотларни маҳсулдор алмашиниш имконияти билан, балки янги билимлар ва кўникамларга эга бўлиш ҳамдир, улар асосида касбий компетентликнинг кенгайиши амалга ошади. Тармоқ ҳамкорлигига киришиш натижасида ҳар бир педагог нафақат янги билимларни олиш имкониятига эга

бўлади, балки улардан амалиётда фойдаланишга, эришилганлар устида тўхтаб қолмасдан, компетентликни оширишни давом эттириш имкониятига эга бўлади.

Тармоқдаги ҳамкорлик педагог шахсий тажрибасини оммалаштиришида катта имкониятларни очади. Порталлар доирасида педагог ўзининг шахсий ижодий гурухини мустақил равишда ташкил этиши, шахсий мастер классини ёки вебинарини ўтказиши мумкин. ЭАТРлар сони доимий равишда ошиб боради, дастурий воситаларнинг имкониятлари кенгайиб, педагог яратиши мумкин бўлган ЭАТРлар доимий тарзда мукаммаллашиб бораверади. Ўз навбатида, педагогларни етакчи порталларида ЭАТРларни яратишлари учун лозим бўлган материаллар ҳамда технологиялар пайдо бўлаверади.

Ҳар қандай тармоқ ҳамкорлиги педагог – ўқитувчиларнинг касбий бирлашмаси бўлиб, улар ихтиёрийлик, очиқлилик принциплари асосида фаолият юритади. Иштирокчиларга мулоқот қилишлари учун имкониятлар яратиб, тажриба алмашинишда тармоқ ҳамкорлигини ўрнатади, бунинг натижасида эса педагогларнинг касбий компетентлиги шаклланади ва бошқарилади. Юқорида қайд этилганларнинг барчаси касбий малака ошириш таълимида тармоқ ҳамкорлигини зарурат эканлигини кўрсатди.


